



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажак буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 21 июнь, №129 (3241)

Шанба

Диққат, янги рукн:



«Хар қайси инсон буюк куч сохибидир. Фақат уни уйғота билиш керак» шiori остида энг азиз, энг улуг байрамимиз — мустақиллигимизнинг ўн икки йиллиги мунсабати билан мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳрида «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг «Кутлуғ тўйинг муборақ, юртим!» деб номланган халқ билан учрашувлари бошланди. Биринчи учрашув Андижон вилоятининг Избоскан туманида бўлиб ўтди. Кеча бу мулоқот Фаргона вилоятининг Учкўприк тумани ва Кўқон шаҳрида давом этди.

Бу учрашув ва мулоқотлардан мақсад истиқлол гоиларини юртдошларимиз қалбига янада теранроқ сингдириш, халқ ичига чуқурроқ кириб бориш, мустақиллик йилларида вилоятларимизда қўлга киритилган ютуқлар билан яқиндан танишиш, бу муваффақиятларни газетамиз саҳифаларида кенг ёритишдир. Шунингдек, вилоятларда яшаб, ижод қилаётган истиқлол тенгдоши бўлган ўн икки истеъдод эгасини топиш мақсадида «Истеъдодли ўн икки ёш — истиқлолга тенгдош» танловлари ўтказилапти.

Андижон ва Фаргона вилоятларида бўлиб ўтган учрашувларда республикамизнинг таникли ёзувчи ва шоирлари, санъаткорлари, газета ижодий ходимлари иштирок этди.

Беккул ЭГАМКУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Кутлуғ тўйинг муборақ, юртим!» деб аталган навбатдаги тадбир бугун Наманган вилоятида давом этади. Учрашувлар тўғрисидаги батафсил ҳисоботни газетамизнинг келгуси сонларида ўқийсиз.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Назолат Усмонова).

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов бошқарган мазкур сессияда «Обод маҳалла йили» дастурининг ижроси ва болалар спортини ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

Сессияда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2003 йил мамлакатимизда Обод маҳалла йили деб эълон қилинган маҳалланинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатидаги роли ва аҳамиятини ошириш, миллий қадрият ва анъаналарни, ўзаро меҳр-оқибат туйғуларини шакллантириш, аҳолини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни янада кучайтиришга алоҳида эътибор берилётганининг яна бир ёрқин далили бўлгани таъкидланди.

Бугунги кунда пойтахтимиз маҳаллаларида бу борада муайян ишлар бажарилаётган. Жумладан, 2003 йил 15 март кунги умум-халқ хайрия ҳашари ўтказилиб, ундан тўшган маблағ «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлиmlари ҳисоб рақамига ўтказилди.

Болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақдаги қарори асосида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими, жамғарманинг ҳомийлик кенгаши ва таркиби ташкил этилди.

Туман ҳокимликлари бошчилигида ишчи гуруҳлари тузилиб, ҳомий ташкилотлар, маҳалла оқсоқоллари, таълим муассасалари раҳбарлари билан биргаликда пойтахтимизда болалар спортини ривожлантиришнинг 2003-2005 йилларга мўлжалланган дастури ишлаб чиқилди. Ҳозир бу борадаги барча ишлар 4 июнь кунги Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида Юртбошимиз ўртага қўйган вазифалар асосида амалга оширилмоқда.

Сессияда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Вазир фермерлар ҳузурда

Айни пайтда Жиззах вилоятида 12000 га яқин фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Утган йили улар таъминот, таъбирдан ва ҳизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан бевосита шартнома тузишлари натижа-сида 12,5 минг тонна дизел ёқилғиси, 2,5 минг тонна бензин, икки минг тоннадан орттиқ уруғлик тежаб қолинди. Бу яхши, албатта. Аммо жорий йилнинг утган беш ойида вилоят хўжалик суди шартнома шартларининг ҳар доим ҳам бажарилаётгани тўғрисидаги 1782 та низоли ишни кўрганни қандай изоҳлаш мумкин?

Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Абулвоҳид Жўраевнинг Дуслук тумани фермерлари билан очиқ мулоқоти шу каби масалаларга бағишланди. Таъкидландики, шартномаларни тузишда ҳар икки томондан ҳокори савияли ҳуқуқий билим етишмайди. Кўпчилик ҳолларда бажа-риладиган ишнинг аниқ муддати, ҳажми, сарф-харажат аниқ кўрсатилмапти. Натижада зарур пайтда фермер ўзига керакли уғит, техникани ололмапти. Ҳосилини йиғиштириб олишда нобударчиликка йўл қўйилмоқда.

Демак, асосий эътибор шартномаларнинг пухта тузилиши, уларнинг ижросини назорат қилишга қаратилмоғи зарур. Ана ўшанда фермер хўжаликлари зарур воситалар билан таъминланади ва етиштирилган маҳсулотлари ҳақини вақтида олади. Бевосита мулоқотдан кейин республика Олий хўжалик суди, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги му-тахассислари шартнома маж-буриятларининг бажарилиши, шартнома интизомини мустаҳ-камлаш каби масалаларда фер-мерлар билан ўқув ташкил этишди.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар томонидан тайёр истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Юқори сифатли рақобатбардор тайёр истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда уларнинг турларини кўпайтиришни рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини шундай моллар билан янада кўпроқ тўлдир-иш, қўшма корхоналар барпо этишга хорижий сармоя-ларни кенг жалб этиш учун қўлай шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2003 йилнинг 1 июлидан то 2005 йилнинг 1 январига қадар тайёр кийим-кечак (тикувчилик, трикотаж ва чарм буюмлар), пайпоқлар ва пойфазал ишлаб чиқаришга ихтисослашган хорижий сармоя иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари бюджетга тўланадиган қўшимча қий-мат солиғидан ташқари барча турдаги солиқ ва йи-ғимлардан озод қилинади-лар.

Ўзбекистон Республика-си Молия вазирлиги, Иқти-

содиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси Вазирлар Маҳкамасининг Истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва савдо комплекси, хўжалик тузилмалари билан бирга ўн кун муддатда юқорида кўрсатиб ўтилган солиқ им-тиёзлари жорий этиладиган субъектлар рўйхатини аниқ-ласинлар ҳамда имтиёзлар-ни қўллаш ва бўшаган маб-лағлардан мақсадли фойда-ланиш тартиби тўғрисида-ги Низомни белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

2. Белгилансинки, ушбу Фармоннинг 1-бандига му-

вофиқ бўшайдиган мабла-лар ишлаб чиқаришни тех-ника билан қайта қуроллан-тириш ва модернизация-лаш, янги турдаги тайёр маҳсулотларни ўзлашти-ришга, ўзининг айланма маблағларини тўлдир-ишга, ходимлар меҳнатини рағ-батлантиришга сарфланади.

Ўзбекистон Республика-си Молия вазирлиги, Дав-лат солиқ қўмитаси бўшай-диган маблағлардан мақсад-ли ва самарали фойдалани-лиши устидан қатъий на-зорат ўрнатилсинлар.

Солиқ солишдан озод қилинган маблағлардан мақсадли фойдаланилмаган

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2003 йил 20 июнь.

БИЗ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСМИЗ, КАМ БЎЛМАЙМИЗ!

Чиниққанга дард юқмас

Тошкентнинг Акмал Ик-ромов туманидаги Оқтепа маҳалласида ҳашар йўли билан янги болалар спорт мажмуаси қурилди. Мажмуа-ни жиҳозлашга 10 миллион

сўмга яқин маблағ сарфлан-ди. Бу ерда спорт зали, шах-мат-шашка кўлиби, стол тен-ниси хонаси ва замонавий машқ ускуналари мавжуд. Янги спорт мажмуага бо-

лалар спорт билан шуғул-лонишдан ташқари компь-ютерни ўрганишлари учун ҳам еторли шарт-шароит яратиб берилди.

«Туркистон-пресс».



Умидига етаётган ниҳоллар

Юртимизда болалар спортига эътибор кучайиб бораётгани ҳамда уч босқичли спорт уйларининг йўлга қўйилгани янги-янги истеъдодлар номларини кашф этмоқда.

Хоразмда яқинда бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари — 2003» спорт мусобақаларида ҳам шундай бўлди. Янги галиб номлари аниқланди, иқтидорли, истеъдодли ёшлар — бўлажак спортчилар кўпчилик назарига тушибди. Фаргона вилояти Данғара туманидаги 14-урта мактаб ўқувчиси Ҳусниддин Уматовни ҳам «Умид ниҳоллари — 2003» спорт мусобақа-лари кашф этди. У найза отиш ва ядро улоқтиришда тенгдошлари орасида рекорд натижаларга эришиб, олтин ҳамда бронза медалларини қўлга киритди.

СУРАТДА: Ҳусниддин Уматов.

Тоҳиржон ҲАМРОКУЛОВ олган сурат.

ҳолларда ана шу маблағлар тўла ҳажмда давлат бюдже-тига ундириб олинади ҳамда амалдаги қонунчи-ликда қўзда тутилган жар-има жазолари қўлланила-ди.

3. Ўзбекистон Респу-бликаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси-нинг Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа манфаатдор идора-лар билан биргаликда икки ҳафта муддатда:

амалдаги қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чи-қадиغان ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақ-дим этсин;

идоравий норматив ҳуж-жатларни мазкур Фармон-га мувофиқ ҳолга келтир-син.

4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбо-сарлари Р.Азимов ва М.Ус-монов зиммаларига юкля-тилсин.

Солиқ солишдан озод қилинган маблағлардан мақсадли фойдаланилмаган

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2003 йил 20 июнь.

ЎЗБЕК КУРАШИ Жанубий Америка уйинларига киритилди

Бу йил Халқаро Кураш Ассоциацияси ҳаётида бир қатор оламшумул воқеалар рўй берди: Янги Зеландиядаги чемпионат, Африка материгининг ороллар давлати — Маврикиядаги халқаро турнир. Энди эса...

Шу йил 7-8 апрель кун-лари Жанубий Америка спорт ташкилотининг (ODESUR) Буэнос-Айресда бўлиб ўтган конгрессида ўзбек курашининг ушбу қитъа-да янада оммавийлашуви учун бир қалам ташланди. Маълумки, 2006 йилда VIII Жанубий Америка уйин-лари бўлиб ўтади. Шу муно-сабати билан апрель ойининг дастлабки ҳафта-сида ушбу нуфузли мусобақага мезбон-лик қилувчи давлатлар ўр-та-

Жанубий Америка уйин-лари олимпиаданинг қитъа-вий кўриниши бўлиб, ҳар тўрт йилда бир ўтказилади. 1978 йили ташкиллаштирил-ган спорт мусобақаларига ай-нан Боливи мезбонлик қил-ган эди. Оралдан 28 йил ўтга-ч, дунёнинг энг юксак тоғли шаҳри (денгизи даражадан 3600 метр баландликда) Ла Пас-яна спортчиларни ўзига чо-рлайди. Ийгирма кун давом этадиган баҳсларда Жанубий Америка спорт ташкилотига аъзо 15 давлатдан уч ми-н-дан ортиқ спортчи иштирок этади. Курашимизни минтақа ва қитъа мусобақалари таркиби-га кириши, бу спорт тури-нинг дунёда стратегик ри-вожланишининг иккинчи босқичидир. Эеро бу ишлар-ни амалга оширмай туриб, ёзги олимпиада уйинлари дастурдан ўрин олиш мум-кин эмас.

Дилмурод ПАРПИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хавтнинг қайси жабҳасида бўлмасин, ташаббус кўрсатиб, меҳнат қилган киши кам бўлмайди. Шукрки, мамлакатимизда бундай ташаббускор, уздабурро инсонлар кўп. Асли касби иқтисодчи бўлган Бахтиёр Жўраев ҳам табиатан янгиликка интилувчан йигит. Бундан беш йил бурун ўзи яшаётган Тошбулоқ қўргон-даги пойабзал фабрикаси ёнида кичик цех ташкил қилганда кўпчилик хайратланган эди. Дастлаб, Бахтиёр ўн кишилик жамоаси билан пойабзал ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, яхшигина даромад ола бошлади. Кўп ўтмай тадбиркорни бу иши қониқтирмай қўйди. Чунки ёнидаги корхонада ҳам пойабзал чиқарилади.

Ташаббус

БЕЖИРИМ ЛИБОСЛАР — СПОРТЧИ БОЛАЛАРГА

— Тўғри, карвон бир булгани билан ризқи бўлак, — дейди Б. Жўраев. — Аммо жамиятимизда обдон масла-ҳатлашиб, спорт бўюмлари ишлаб чиқаришни ўзлаштир-дик. Албатта, бу катта изла-нишни тақозо қилди. Ҳар ҳолда биз чиқараётган маҳ-сулотга талаб кўп.

Наманган туманидаги мазкур «Бахт» масъулияти чекланган жамият корхона-сида ҳозирги пайтда спорт-чилар учун 20 турдаги оёқ кийимлар, либослар, спорт буюмлари ва жиҳозлари, ўқувчилар учун мактаб сум-каси ишлаб чиқарилапти. Йилга тўрт миллион сўм даромад олаётган корхона

жамоаси футбол, волейбол тўплари ишлаб чиқаришни ҳам ўзлаштирган. Бугунги кунда Наманган вилоятида-ги қўллаб спорт иншоотла-рида мазкур жамият цехида тайёрланган жиҳозлардан фойдаланиб келинмоқда. Мухими, маҳсулотга буюр-ма қўплигидан тўғридан-тўғри истеъмолчиларга жуъа-тиллапти. Нархи четдан кел-тирилаётганга қараганда анча арзон. Сифати ҳам талабга жавоб беради. Айтганча, яқинда боксчилар учун ҳам қўлқоп ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Бундай қўлқоплар жа-ҳон бозорига юз АҚШ дол-лари туради, — дейди тадбир-

олиб фаолият доирасини янада кенгайтириш. Қисқа-си режалар катта. Аниқроқ қилиб айтганда, яна бир та-шаббус унга тинчлик берма-япти. Оқсаройда болалар спортини ривожлантириш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишида Президент Ислам Каримов спорт буюм-лари ва кийимларини ўзи-мизга ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳақида куюниб гапирдилар. Бахтиёр бу дая-ватда амалий жавоб беришга интиломоқда. Тадбиркорнинг элга камарбасталиги шунда эмасми?

Худойберди ЭШМАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Камалак» спорт маркази

«Камолот» Ёшлар Ижтимоий ҳаракати Наманой вилоят бўлими маҳаллаларда спорт майдонлари яратишга бош-қош бўлаётти. Навбахор туманидаги Армиқон маҳалласида қисқа муддатда «Камалак» деб номланган спорт маркази қурилиб, жиҳозланди ва ёшлар ихтиёрига топширилди. Стадион қишлоқ ёшларининг энг сезимли масканига айланди.

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Ўзингники беминнат

Минглаб одамни банд қилиб турган корхона цехлари ҳувиллаб қолса галага бўларкан. Бутловчи ашёлар таъминоти усталик билан шимолга боғлиқ қилиб қўйилган Намангандаги «Ўзэлектротерм» ҳиссадорлик жамиятининг бошига ўтган асрнинг охириги йилларида шундай кун тушди. Хомашё етишмайди, бунинг устига тайёр маҳсулотга харидор кам. Иш ҳақини ўз вақтида ололмаган одамларнинг асаби таранг. Бир сўз билан айтганда корхона синиш даражасига келиб қолди. Уни оёққа турғизиш борасидаги дастлабки саъй-ҳаракатлар қутилган натижани бермагач, тезлик билан ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш керак деган ҳулосага келинди. Аслида ҳам боши берк кучадан чиқшининг бирдан-бир тўғри йўли шу эди.

Ҳиссадорлик жамиятида асосан энергетика тизими учун юқори ва кичик қувватли трансформаторлар ишлаб чиқарилади. Конвейерни маълум бир фурсатда қайта ҳаракатга келтиришнинг улдасидан чиқарилди. Бироқ, маҳсулотни сотиб олаётган буюртмачи топиладими? Талабдор бор экан. «Ўзбекстонтем» йўллари компаниясидагилар катта миқдордаги трансформаторларга доимий эҳтиёж борлигини айтишди.

Ишни нимадан бошлаш лозим, албатта, технологик жараёни маҳаллийлаштириш учун талаб

этиладиган тадбирлардан. Чунки, битта трансформаторни бутлашда ишлатилган деталларнинг қарий олтинчи фоизи мамлакат ташқарисидagi корхоналардан келтирилди. Шунда Марказий Осиёда ягона бўлган корхонада иختи рочиларнинг кўчли гуруҳи тўплангани кўл келди. Жобирхон Ғурахонов раҳбарлигидаги ишланшлар қутилган натижани берди. Ўтган йил бошларида тўлалигича наманганлик мутахассислар қўлидан чиққан трансформаторларнинг дастлабки нуҳалари синонга жуда яхши дош берди. Жаҳон андозлари даражасидаги маҳсулотлар сифатидан буюртмачининг кўнгли тўлгани шундан.

1999 йил якунларига кўра 10 миллион сўм зарар билан чиққан корхонанинг иқтисодий жиҳатдан қай аҳволга тушганини бугун кўпчилик яхши эслашади. Хайриятки, бу борада ҳукуматнинг қўллаб-қувватлаши асқотди. Қаторасига икки йил санашия шароитидаги имтиёзлар ўз самарасини берди. Молиявий соғломлаштириш тадбирлари, янги-янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш

натижалари ўлароқ бутлур қувватлардан фойдаланиш 81 фоизга кўтарилди. 327,4 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. Яқин йилларга оғайлаб мажбурий таътилда юрган ишчиларнинг қўли пул кўрди, рўзгорига бараканинди. Ҳа, уларга фойдаланишнинг 6,5 миллион сўм миқдориди биринчи бор дивиденд ҳам берилди. Наманганда

ўтказилган вилоят халқ истеъмол моллари кўргазмида «Ўзэлектротерм»нинг буюмлари ҳам яқин эриб кўзга ташланди. Харидорларга айниқса, ҳиссадорлик жамияти қошида фаолият кўрсатаётган «Намштринг» кўшма корхонасининг митти назорат касса машиналари, ташқи кўриниши ва пишиқлиги хорижникидан кам бўлмаган дазвол, бошқа электр асбобларини кўриб, рост дилим яйради. «Ўзимизда ишлаб чиқарса бўларканку», дейди уларни сотиб олаётганлар. Ҳа, бўлади. Бу масаланинг бир томони. Унинг иккинчи жиҳати ҳам борки, биз маҳаллий ишлаб чиқарувчининг доимий равишда қўллаб-қувватлаши, импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар янаям кўпаяди.

— Нархи 180 минг сўм экан, — дейди хусусий тадбиркор Аюбхон Раҳматов. — Эрондан келтирилганини кўрсатишди, 210 минг сўм дейишди. Яхшиям сотиб олмаганим. Ўттиз минг ёнга қолди. Бунинг устига ишончли. «Ўзэксимпорт»нинг беш йил бенефити ишлашга кафолат беришди. Биз

каби тижоратчиларга шуниси муҳим.

— Ички бозорда мақбейиш анча ошди, — дейди ҳиссадорлик жамияти бош муҳандиси Рашидхон Юсупов. — Рўзгорга энг кераги нима — манший иситиш асбоблари. Яқка тартибдаги хонадонларни сув билан иситишга мослаштирилган қурилмалар илгари Россия, Исроил давлатларидан келтирилди. Энди ўзимизда чиққати. Бундан ташқари янги турдаги тежамли электр иситкич, дазвол тайёрлашни йўлга қўйдик. Эмал билан сирланган пақирларимизга талаб катта.

Шу йил бошида вилоят савдо шохобчаларида илҳам, фойдаланишга қулай спорт-соғломлаштириш анжумлари пайдо бўлди. Баландликка сакраш мосламалари, штанга ва тошлар ишлаб чиқарувчиси ҳам «Ўзэлектротерм». Умуман олганда, бу ерда аҳоли талабига мос маҳсулотларга эътибор катта. Бунинг билан 199 миллион, амалдаги йилнинг биринчи чорагида эса 44,7 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари сотувга чиқарилганидан ҳам билса бўлади.

Ўзингники, бошқачада. Кўзни қувонтирадиган илҳам назорат касса машиналари, ташқи кўриниши ва пишиқлиги хорижникидан кам бўлмаган дазвол, бошқа электр асбобларини кўриб, рост дилим яйради. «Ўзимизда ишлаб чиқарса бўларканку», дейди уларни сотиб олаётганлар. Ҳа, бўлади. Бу масаланинг бир томони. Унинг иккинчи жиҳати ҳам борки, биз маҳаллий ишлаб чиқарувчининг доимий равишда қўллаб-қувватлаши, импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар янаям кўпаяди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

- Маҳаллийлаштириш — ягона чора
- Аввал бюртмачи топилади
- Импортга ҳожат йўқ

Ижара усулининг самараси

Чорвачилик — қишлоқ ҳўжалигининг муҳим тармоғи. Бу соҳа қанчалик раванқ топса, дастурхонимиз ишончалик тўкин бўлади. Шу боис Тошлоқ туманидаги «Заркент» ширкат ҳўжалигида чорвачиликни ривожлантириш: зотдор қорамол ва қўй-қўзиларни кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда мулкчиликнинг янги шакли — ижара усули ўз самарасини берапти. Хусусан, жорий йилда ҳар юз бош совиқдан юзтадан қўй олинди. Соғин сиқирларнинг сут бериши ҳам кўнелидади. Айниқса, бу борада соғувчи Раъно Арапова ҳамкасблари ўрнак бўлмоқда.

СУРАТДА: илгор сут соғувчи Раъно Арапова. Шухрат ОЛИМОВ (ЎА) олган сурат.



Мардлар қўриқлайди Ватани...

Ҳарбий либос қадди-қоматларига қўйиб қўйгандек ярашган, бири-биридан норғул-барваста, ўқтам-мағрур йигитларнинг шаҳдам қадам ташлашлари йиғилганлар руҳига ажиб тетиклик бағишлайди, қалбларда фахр-ифтихор туйғусини уйғотади.

Ўттизинчи баҳор қалдирғочлари

Самарқанддаги олий ҳарбий автомобиль муҳандислик билим юртини битирувчилар ҳаётидан

— Дадаси, қаранг, ўғлимиз нақдлар ажойиб йигит бўлибди, — дейди кўзларига сеник ёшлари қалқган аёл ҳажжонини яширолди. — Ишқилиб, кўз тегмасин, — дея турмуш ўртинини қўллаб-қувватлайди унинг ёнида турган эркак. Кейин оҳиста пириллаб, сўзида давом этади. — Энди ўғлимиз фақат жасури ва менийи эмас, балки элики — Ватаники!

Қачонки, бу дарғоға қалам қўйсам, курсантларнинг битириш тантанасида кулгоғимга қалнинга ўша сўхбат қайта-қайта ёлмага тушаверади, тушаверади...

бидан сўхбатлашамиз. Игитларнинг спорт майдончасида учратдик. Сиз ўтмай гапимиз гапимизга қовушиб кетдик.

— Мен қўмондонлик автомобиль таъмирлаш тележарлари иختисосининг олимим, — дея сўхбатга қўшилди кичик сержант Тимофей Литовченко. — Ҳарбий ҳаётга алдақдан қўниб кетдик. Дўстим Руслан Қаракаш билан бир вазода қўдиким. Эҳтимол, келгусида ҳам хизматни бирга давом эттирамиз.

Корейс фарзанди Андрей Ким ва ўзбек йигити Шерзод Қосимов ҳам билим юртининг энг аълочи курсантларидан экан. Иккалови бир онда фарзандлик тактик озик-овқат таъминоти соҳаси бўйича мутахассис бўлиб етишибди. Мақсадлари улғу — Ватанга сиқидилдан хизмат қилиш, юрт осойишталигини кўз қорачиқиде асраш.

Кичик сержант Жўрабек Жалолов, Шоҳруҳ Набиев, курсантлар Баҳодир Риметов, Зокир Хазиевлар билан бўлган сўхбатимиз ҳам қизғин кетди. — Ана шу тўққиз йигит бу йилги битирувчиларимизнинг энг олим, — дея гурур билан қўшимча қилади полковник Баҳром Очлов. — Уларнинг ҳаммаси аъло дипломга лойиқ.

Абдураул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Уммон ортидан кўмак

Тошкент вилояти онкология диспансерида Counterpart International дастурига биноан 1 миллион доллар миқдордаги АҚШдан келтирилган саратонга қарши дори-дармонлар ва тиббиёт ускуналарини Тошкент шаҳридаги онкология клиникаларга топшириш маросими бўлиб ўтди. Миллият саратон уюшмаси, Янги Орленда жойлашган нотижорат корпорацияси ва Жаҳон тиббиёт ёрдами ташкилоти ҳамда Детроитдаги нотижорат ҳайрия ташкилоти мазкур лойиҳа ҳомийлари ҳисобланмади. Counterpart International АҚШ давлат парламенти томонидан Ўзбекистонга 3 миллион доллардан зиёд инсонпарварлик ёрдами кўрсатилади.

М. ТОЖИЕВА.

Насиба қўшилса, магрибда унган неъмат маширқдаги оламнинг ризқига айланаркан. Ҳасанбой қишлоғининг жим-жилдек хусайни узуми чинигуллари Россия, Қозғоғистондан тортиб, Европа ва Осиё мамлакатлари хонадонларига қанқиб борди. Голландия ва Исроил давлатларининг тулчи ишбилармонлари бугун Ҳасанбойликлар билан олд-берди қилади.

Қишлоқ бир неча юз йиллардан буён Ҳасанбой деб келинади. Бунинг сабаби қақраган бу ерларга қўндоқлар Ҳасанбой деган одам сув олиб келган ва номини шу қишлоққа муҳраб кетган. Ушан асрнинг 20-йилларида қишлоқнинг номи шўрларга ёқмади.

I. Гоҳ юрт кезган пайларимизда, хонадонларга кирган чоғларимизда, мана шунини кўриб беринг, боболардан, момолардан мерос бўлиб қолган эди, деб қўнға қўлэзгани авайлаб олиб чиққанларига кўп шохид бўлганми. Уни неча йиллардан бериб асраб келётганларини, еттинчи бобосига тегишли эканлигини ҳам қўшиб қўядилар. Бу китоб унга мерос бўлиб қолган, шу мерос ёдгорлик билан кўнглининг бир чеккаси тўқ, бу унинг зиёли аждоғлар вориси эканлигини кўрсатиб туради. Худди шу нарса унга таърифта синамас гурур бағишлайди. Қўлэзма ўрнида дугтор, рубоб, доира, най ёки бошқа бир нодир ашё, буюм бўлиши ҳам мумкин. Ана шунларни кўрганда, беихтиёр тўлқинланиб кетади одам.

Муҳтарам Президентимиз адиблар билан бўлган бир учрашууда зиёлилар олдиға мана шундай саволларни қўйган эди: Ўзбекининг миллий гурури нимадан иборат? Ўзбекининг энг асосий фазилатлари, асосий ихтилатлари нимаданла намоён бўлади? Меросимизнинг асосий қирралари, сабоқлари нима? Мазмун-мундарижаси бағоят теран ушбу саволларга жавоб тариқасида жилд-жилд китоблар ёзилмоғи жоиздир. Ушбу ҳаётини саволларга муҳассам бўлган вазифалар, хоҳ у ижодкор ё санъаткор бўлсин, хоҳ ижодий уюшма ёки жамғарма, ташкилот, барча-барча дастуриламал бўлиб хизмат қилмоғи керак ва шундай бўлаётир ҳам.

Чиндан ҳам, мерос тушунчаси нийодта кенг бир тушунча. «Ассалою алайкум» сўзидан то буюқ шаҳарларга, дунё адаблари бўстони беэаб турган улғу китоблари буюқ сиймоларга, нодир ашёлару буюқ буюмларга бизларга отаме-росдир. Бироқ эзгу иш ёки кечмиш ёдгорлиги ҳақда қал жетса, бу бизга отаме-росда, деб қўйишмиз ҳам шундан.

Мерос — миллат буй-бастини кўрсатадиган буюқ андоз. Миллатга қараб мерос вужудга келади, меросга қараб миллий гурур улғулик касб этади. Мустиқиллик йилларида меросга муносабат тубдан ўзгарганининг қувонч билан таъкидламоқ керак. Кечинга бунёд этилиб, бугун халқимизнинг буюқ меросини бойитаятган мухташам бинолар, мажмуалар, саройлар, иншоотлар, маънавий оламимизга рўй бераётган кулгўз ўзаришлар бунинг исботи. Имом ал-Бухорий мажмуаси нафақат Марказий Осиё, балки дунё мусулмонларининг азиз зияратгоҳига айланди. Улғу мутафаккир шоир Алишер Навоий асарларининг мукаммал йигирмила жилдинги тўлиқ ҳолда (ҳозир 19-та жилди босмадан чиқди) тарихда биринчи марта нашр этилмоқда.

II. Ўзбек халқи мероси жуда ҳам бой. Шу сабабдан қадим-қадимдан юртимизга ким ташриф бурorsa, албатта қайтишда нимадар олиб кетишни ният қилган ва олиб кетган ҳам. Ҳатто хорижлик бир миллиардер Исмоил Сомоний ёдгорлигига қойил қўлиб, бутунлай сотиб олишни кўнглига тутибди. Албатта, у халқимиз боболар хокини азизу мукаррам тутишини, мақбараси туғул ҳатто кичик бир гардини ҳам ўзига раво кўрмаслигини билмаса керак. Кейинроқ, йигирманчи аср бошларида европалик бир сайёх Ҳаким ат-Термизий мақбарасини зиёрат қила туриб, нақшдор бир парчани ушатиб ўзи билан олиб кетади... Хулласи қалом, шу йўсин, меросимизнинг жуда кўп дурдоналари дунё мамлакатлари аро тарқалиб, музей ва кутубхоналарни беэаб турибди. Амир Темирнинг нодир қилчи Эрронинг Жаҳоир музейида сақланади, Мирзо Улугбекнинг нақшдор китоб сандини Истамбулда Туркия нафис санъат академияси музейида зиёратчиларни ҳайратга солмоқда. Тарихчи олимлар Н.Содиқова, А.Бердимуҳаммадиевнинг гувоҳлик беришларига, Хива хони (фирқимизча, Олдоққон)нинг олтин тахти Москвада Қурол-аслаҳ палатасида турибди, Амир Темир мақбараси шифтидаги олтиндан ишланган юдузсимон қандиллар қўйиб олиб кетилган. Умуман, Амир Темир мақбарасига — муқаддас жойга, инсонларнинг хоки ором олаётган сунғи табарруқ масканга боққинларнинг шаккоқларча муносабатларидан ёқа тутмай илғи йўқ. Мақбаранинг икки эшигини, девордаги қошинлардан, шу-

нингдек, Бибиҳоним масжидидан қошинларни қўпориб оладилар ва Санкт-Петербургга жўнатадилар. Бу ишни Н.В.Селесковский амалга оширади. Дарвоқе, 1966 йилда, Эрмитажда соҳибқироннинг мақбарасидан буюқ олинган, четлари фил суяклари билан беэатилган маҳобатли эшикни кўрган-дим. Музей мутасаддисидан эшик ҳақида, унинг қандай қилиб келиб қолгани ҳақида сўрадим ушанда.

Жавоб бундай бўлганди:

«1935 йилда Лондонда жаҳон кўргазмасида намойиш этиши учун олиб келинган. Ўзбекистонга қайтарилди.» 1903 йилда император Александр IIIнинг фармони, сабоқлари нима? Мазмун-мундарижаси бағоят теран ушбу саволларга жавоб тариқасида жилд-жилд китоблар ёзилмоғи жоиздир. Ушбу ҳаётини саволларга муҳассам бўлган вазифалар, хоҳ у ижодкор ё санъаткор бўлсин, хоҳ ижодий уюшма ёки жамғарма, ташкилот, барча-барча дастуриламал бўлиб хизмат қилмоғи керак ва шундай бўлаётир ҳам.

III. «... Ўзбекистон тарихига алоқаси бўлган, юртимизда яшаётган инсонларнинг кечмаги ўтмишини изҳоллайдиган ҳужжатларни аниқлаб, уларни Ватанимизга келтириш учун алоҳида комиссия тузиш лозим, — деган эди Президентимиз «Архивлар тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасининг муҳокамасида. — Бу комиссия, зарур бўлса, парламенти ёки ҳукуматга тақдир қилиниши, бу сўз билан айтганда, ушбу масалани ҳақ давлат сийбати даражасига кўтарган ҳолда ҳал қилишимиз керак».

Олга сурилган гоғийнинг натижаси ўлароқ мамдақат Олий Мажлиси ҳузурда Ўзбекистонда четта олиб кетилган ва халқ бойлиги бўлган архив ҳужжатларини қайтариб олиб келиш бўйича махсус комиссия ташкил топди. Унда Олий Мажлис депутаты Давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, мутахассислар иш олиб бормоқдалар. Махсус комиссия фаолиятидан жамоатчилик боғабар бўлиб турибди.

Яқинда комиссиянинг махсус наشري — «Ҳужжатлар — тарих кўзгуси» китоби чоп этилди.

АҚШга ижодий сафар қилган чоғимда Индиана университетидан юртимиз тарихига оид араб, форс ва турк тилларида ёзилган қўлэзмалар рўйхатини олишга мутафаккир бўлдим. Тўқсон саҳифалик мажкур рўйхат билан мутахассислар танишиб кўрганлариди ажайиб манара намоён бўлди. Номин бору аммо ўзи қарда эканлиги маълум бўлмаган йигирма беш қўлэзма аниқланди. Улар ичиди «Бобурнома»нинг энг қадимий нуҳаларидан бири, Фазлий Намангонийнинг «Умарнома» достони ҳам бор.

Тарихимизни тўла-тўқис тасаввур қилишда қар бир ҳужжатнинг, айниқса, ҳарбий юришларга оид ҳужжатларнинг аҳамияти жуда ҳам катта. Бу маънода Туркистон ҳарбий округига оид ҳужжатлар жуда муҳимдир. Комиссия аъзоси сифатида улар билан танишар эканман, қизик ҳолатга дуч келдим. Ажаб, 1886—1917 йилларда тегишли 61 жилд ҳужжатлар Марказий Давлат Ҳарбий-тарихий архивига Москвага берилган. 1912—1939 йиллар ҳужжатлари Қизил Армиянинг Марказий архивига топширилган. Улар ичиди мулақо маҳфий ва маҳфий буйруқлар, Хива, Бухорада босмачилар билан кураш бўйича ёзилмалар, Реввоенсовет қарорлари, Урта Осиёда фуқаролар уруши қатнашчилари хотиралари, 1912 йил инглиз-афғон фронтини бўйича ҳисобот, темир йўл қурилиши бўйича ёзилмалар бор. 1941—1992 йиллар ҳужжатлари эса СССР Мулоффа вазирилик Марказий архивига топширилган. Маълум бўлдики, 1886 йил-

дан 1992 йилгача мамлакатимизда ҳарбий ҳаётга оид ҳужжатлар бизда... йўқ.

IV. Хоразмининг муқаддас замин эканлиги ҳақида гапирар экан, Президентимиз Ўзбек давлатчилигининг тамал тошлари бундан 2700 йил муқаддам айни Хоразм воҳасида қўйилганини, энг қадимги

чилигининг тамал тоши шу ерда қўйилганини аниқладиликми? Бу бизга қоронғи...

Иккинчи алам қилдигани шунки, С.Толстов бошлиқ археологлар ҳам ўзлари топган ноёб тарихий буюмларни Москва олиб кетганлар.

Халқроқ «Олтин мерос» жамғармасида 1937—1991 йилларда Хоразмдан марказга олиб кетилган ноёб археолог то-

Муҳаммад АЛИ Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ВОРИС БЎЛИБ ТУФИЛМОҚ БАХТИ

Маънавий сабоқлар

қўлэзмамиз «Авесто» мана шу улқада яратилган ҳам бунинча бир қарра тасдиқлашини мамуният билан таъкидлади. Айтиб ўтиш жоизки, ушбу одам шумул фикр тарихимизни олға силмиштиришда жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Халқроқ «Олтин мерос» жамғармаси фаоллари ҳам бу кулгўз ишга баҳоли қўрут ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда. Хоразм ҳокими ҳомилийдаги жамғарма фаоллари уюштирган экспедиция «Авесто» қадимийлари бўйлаб» деб атади. Маълумки, IX-X асрларда Хоразмга келган араб сайёҳлари, бу улқада ўн иккинчи қалъа-кўрғон борлигини қайд этганлар. Абу Райҳон Беруний эса, у юз қалъа-шаҳар мавжуд, деб гувоҳлик беради. Экспедиция давомиди аниқлаштиришга, ҳозир воҳода 50 та қўнға қалъа қолган, холос. Шундан фақат Хива билан Ҳазорасп қалъаларидагина одамлар яшайдилар. Қолганлари вақтинчи бешафқат шамоллари остида харобага айланиб бормоқда. Воҳода 100 дан зиёд «Авесто» даври қўнға қалъа, қишлоқ, тоғ, дарё, қўнғарнинг топонимик номлари мавжуд. Енбошқалъа, Говурқалъа, Оққалъа, Тупроққалъа, Чилчиққалъа, Хумбузтепалар турганилиб, ошпарастлик даврига оид ўнлаб ноёб ашёвий далиллар қўлга киритилди. Улар орасида катта умиди, қўнға, сопол-тош ҳайкалча, тош ва темирдан ясалган чироқлар, қандилиги ўн сантиметр келадиган мурабба гишлар, ошпарастлик диний рамзий белгилари бор. Султон Увайс тоғига тушма маконлардан биринчи эса отшпарастлик ибодатхонаси топилди... Экспедиция даврида қўлга киритилган ашёвий далиллар ҳозирги кунда Урганчдаги «Авесто» боғида жойлашган «Олтин мерос» музейини беэаб турибди.

Олиб кетилган тангалар 40 тани ташкил қилади. Улар эрамининг I-VIII асрларига оид, деб ҳисобланади. Атоқли олим Э.Ртвеладзе ўзининг «Урта Осиёнинг қадимги тангалари» китобида энг қўнға Хоразм тангаси сифатида номалум ҳокимининг VI-VII асрларда қилдиган тангасини келтирибди. Рўйхатда таъкидлашнингича, энг биринчи Хоразм тангаси эрамининг I асрига оиддир. Қўнғарқалъадан топилган бу кумуш тангада хоразмча ёзув ҳам бор экан. Вазамар деган пошшо тангаси, III асрга, Би асрга, Би асрга, Би асрга тангаси IV асрга тегишли. Улар асосан миқдан ишланган...

V. Дунёга социалган ҳазиналаримиз денгиз бўлса, юқорида келтирилган ашёлар бир томчи, холос. Мустиқилликка эришганимиздан кейингича биз ўз ҳақ-қўққимиз ҳақида сўз айти оладиган бўлдик, унинг шўқронлари дил-дилнингизини қайрида... Меросимиз улғу, уни замлаш, олиб келиш, алоқларга тўқнутаётган этакчи буюқ вазифалар. Меросни асраш умумхалқ иши, айни бун пайтда ҳар бир шахсининг фуқаронинг бурчи бўлмоғи керак.

Юртбошимизнинг ушбу сўзларини тақрирлаб юришни яхши кўраман: «Биз, — Бериуниларга, Бериуниларга, Амир Темир, Мирзо Улугбек, Мирзо Бобурларга ворисимиз».

Ҳа, бизлар шундай улғу зотлар, улғу мерос ворисларимиз. Шукрулар бўлишники, ворис бўлиб туғилмоқ бахти бизларга насиб этди. Бунинг теран аниқлаб етайдики.

Иброҳим ОДИЛ ўғли.

Ҳасанбой Ва ҳасанбойликлар

Улар бу номни ўзгартирмоқчи бўлишди. Лекин шу қишлоқлик бир киши бунга қарши чиқди. Унинг тарихий номини сақлаб қолди. Далил Бозоров деб аташган у кишини. Номига яраша анчайин дадил бўлган бу инсон ўз даврнинг энг шекаддан зиёлиларидан бири, араб ва рус алифбосида савдолхон, тасаввуф ва ислом илмидан хабардор бўлган. Уша йилларда «Савод илми» дарслигини яратиб, илм мактаб ташкил этган маърифат тарғиботчиси эди у. Кейинчалик қишлоқдаги кўчаларини, замонавий бино ва иншоотлар-

ни тиклашда ҳамқишлоқлариға бош-қош бўлди.

Ҳасанбойликлар азалдан

Ўтмиш ва бугун

тадбиркор халқ. Қишлоқ маркази учун зарур биноларни тиклашда лойиҳачи ҳам, муҳандис курувчиси ҳам шу ерликларнинг ўзи бўлган. Шунинча юмшун эл-улус ҳар йили билан худдалади. Катта куча аввал қўл кучи билан кетмонда текисланган. Шағал Тошлов ва Кенгсойдан от-араваларда ташилган. Бу ишларнинг

верситети) ишга тушди. Хўш бошланган йилликнинг энг ўқитувчилар малакасини ошириш институтида олий таълим малакасига эга бўлмаган ўқитувчилар қилдиган бир неча ўн минглаб ўқитувчилар қайта ўқитилди.

 **COSCOM** GSM

NEW!




ОИЛАВИЙ ТАРИФ РЕЖАСИ

FAMILY+

СЕМЕЙНЫЙ ТАРИФНЫЙ ПЛАН

Тел.: 180 00 00, 181 00 00, 182 00 00.

Услуги лицензированы



Меҳр оғушида

Яқинда Тошкент вилоятининг сўлим гўшаларидан бири — Қибрай туманида бўлиб ўтган тадбирдан кўзланган мақсад ҳам ана шу — азиз падару волидаларнинг кайфиятларини кўтариш, кўнгилларига шодлик улашиш эди. Шу муносабат билан туманининг Ёнариқ қишлоқ фуқаролари йигини кексалари «Қибрай» ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган хушманзара масканга таклиф этилдилар.

— Сизларни бу ерга аввало дийдорлашиш учун чорладик, — деди Қибрай тумани ҳокими Саидхўжа Тошхўжаев йиғилганлар ҳузуринда. — Зотан, сиздек муътабар кишилар билан учрашиб туриш, суҳбатларингиздан баҳраманд бўлиш бир олам завқ беради. Утган йилнинг

қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилинганлиги ҳам сиздек азизларга бўлган ҳурматнинг нечоғли юксак эканлигини кўрсатади. Гарчи 2002 йил ўтиб кетган бўлса-да, отахону онахонларимизнинг ҳурматини жойига қўйиш, истакларини адо этиш ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаятган буюк тушунчадир. Шундай экан, сизларнинг олдларингизда ҳамisha тазйимдамиз.

— Туманимизда мавжуд 12 та қишлоқ фуқаролар йиғинида 20 мингта яқин нурунийлар истиқомат қилади, — деди биз билан суҳбатда Ўзбекистон Республикаси нурунийларни ижтимоий

қўллаб-қувватлаш «Нуруний» жамғармасининг туман бўлими раиси Воҳид ака Шукуров. — Уларнинг орасида уруш ва меҳнат фахрийлари ҳам бор. Жамғармаимиз шу ва шу каби табаррук ёшдаги кишилар билан тез-тез дийдорлашиб, ҳар хил тадбирлар уюштириш ташаббуси билан чиққанда туманимиз раҳбарияти бу фикримизга бажонидил қўшилиб, уни амалга оширишда бош-қош бўлди. Энди мана шу каби тадбирларни ҳар ҳафтанинг пайшанба кунини ўтказамиз ва ҳар бир маҳалла фахрийларини навбати билан таклиф этамиз. Бунда фақат ҳордиқ чиқариш эмас, балки оилаларда учраб турадиган турли муаммоларни нурунийлар билан бамаслаҳат ҳал қилишни ҳам йўлга қўймоқчимиз.

Халқимизнинг яхши одатларидан бири — бу кексаларни қадрлаш, уларни иззат-икром этишдир. Давраларнинг тури, хонадонларимиз файзи, оқил маслаҳаттўйимиз саналмиш нуруний отахону онахонларимизни ардоқлаганлар эса асло кам бўлмайди. Ахир айтадилар-ку, ҳурмат қилсанг, ҳурмат кўрсан, деб.

Устозларни эслаб, эъзозлаб

Форишдаги Нарвонсой қишлоғи туманининг энг чекка, тоғли гўшаларидан бири. Яқинда Нарвонсойдаги Аҳмад Ясавий номида 65-мактаб қўрилганига 50 йил бўлди. Шу даргоҳни бундан 20 йил олдин битирган, айни пайтда республиканинг турли шаҳарларида, катта-кичик идораларда хизмат қилаётган собиқ ўқувчилар бу санага ўзига хос туҳфа ҳозирладилар. Мактаб ҳовлисида Ёлгорлик

мажмуи барпо этилди. Унга ўрнатилган мрамор лавҳага илм даргоҳида ёшларга таълим-тарбия берган марҳум устозларнинг номлари битилган.

Мактаб жамоаси эса марҳум устозларнинг ҳаёт йўли акс этган Хотира альбомини тайёрлашди.

Унинг ташкилотчилари ёлгорлик мажмуи очилиши кунига футбол бўйича Хотира турнири уюштиришани ҳам айтиш мумкин бўлди.

Кадрият

— Энг муҳими, Ёлгорлик мажмуи ўқувчи-ёшлар учун кундалик тарбия масканига айланди, десам муболага бўлмас, — дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий, тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, олий тоифали педагог Холбўта Уринбоев. — Деярли ҳар кунни Ёлгорлик пойига гуллар қўйилади. Никоҳдан ўтаётган йигит-қизларнинг бу ерни зиёрат қилишлари одат тусига кирди.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Падаркуш

Қўқон шаҳри, Истиклол кўчасидаги хонадонларнинг биридан тадбиркор С. Солиевнинг жасади топилди. Маълум бўлишича, ушбу жиноятни ўрта мақтабнинг 9-синф ўқувчиси Б. Солиев ўзaro жонжал оқибатида содир этган экан. Яъни туғи зифатдан маст ҳолда қайтган ўғил ўғатасини болага билан уриб ўлдирди.

Воқеа сабаблари ўрта-нилоқда.

Ўғри ушланди

Йигирма ёшли А. Мадминова ИИБга ариза билан мурожаат қилди. Унда номаълум шахс «Дўстлик» ресторани ёнида бўйиқдаги тилла занжирни юлиб қочганлиги хабар қилинганди. Андижон вилоятининг Асака шаҳрида ўтказилган тезкор ҳаракатлар натижа берди. Бир зумда Э. Аминов ички ишлар бўлимига келтирилди.

Буни қарангки, Мадмаров кўчасида яшовчи ушбу шахс занжирни алақачон оёқ кийими ичига солиб олган экан.

Ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилаётган.

АдИБОХОН РАҲМАТУЛЛАЕВА, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Матбуот маркази жамоатчиси.

Тиббиётчиларга туҳфа

Яқинда Абу Али ибн Сино наشريётида тиббиёт коллежлари, институтлари талабалари учун иккита янги дарслик чоп этилди. «Микробиологиядан амалий машғулотлар» номида дарсликда микробиологиянинг морфологияси ва физиологияси, уларнинг табиатда тарқалиши ҳақида умумий маълумотлар берилган. Шунингдек, юқумли касалликларни қўзғатув-

чи микроорганизмларнинг ҳоссалари сода ва қизиқарли тарзда баён этилган. Дарсликда микробиология амалиётида бажариладиган лаборатория машғулотларига асосий эътибор қаратилган.

«Умумий ва тиббий психология» дарслиги (муаллифлар Я.Файзиев, Э.Эшбоев) ушбу мавзуда биринчи марта ўзбек тилида яратилган. Унда психологияга оид маълумотлар умумлаш-

тирилиб, маъруза фаннинг вазифаси ва амалий аҳамияти, рухий жараёнлар, тиббий ходимларнинг руҳий хасталикка чалинган беморларга муносабати, этика ва деонтология муносабатларига катта ўрин берилган.

Энг муҳими, ҳар икки дарслик талабаларнинг ўз касб малакаларини назарий жиҳатдан эгаллашларида катта дастур бўлиб хизмат қилади.

Киссага эмас, кассага...

Паркентда тадбиркорлар, ишбилармонлар кўп. Улар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда, туризм-туман халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариш, савдо-сотиқни ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришда бошқалардан асло қолишмайдилар. Бирок, шולי курмак-сиз бўлмаганидек, хусусий фирмалар, савдо корхоналари эгалари ва тадбиркорликнинг бошқа турлари билан шуғулланувчилар орасида нуқул шахсий манфаатини ўйлаб, қонунибузарликка йўл қўйганлари ҳам йўқ эмас. Улар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмасдан иш юритишга, даромадларини камайтириб кўрсатиш орқали солиқни тўлиқ тўлашдан қочишга, ҳоржанинг сифатсиз товарларини сотишга уринмоқдалар. Нақд пул билан муомалада фирромлик қилмоқдалар. Бундай ҳолатлар туман прокуратураси ҳузурдаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими, солиқ инспекцияси ва бошқа идоралар

ўтказилаётган текширишларда фош этилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бўлимимиз ходимлари томонидан ўттиз ҳолатда қонунибузарликка йўл қўйилганлиги аниқланди.

Шунга қўра, бир неча маъмурий иш қатори олдига жиноий иш ҳам қўзғатилди.

Маълумки, ҳозир республикамизда нақд пул маблағларининг банк муассасаларига ўз вақтида топширилишини таъминлаш борасидаги ишлар қизин давом этмоқда. Хукуматимизнинг ушбу масалага оид қарорлари ижроси маъсул идоралар томонидан таъминланмоқда. Айтايлик, борзорлардаги кундалик патта йиғимларидан тушган нақд пуллар инкасса идоралари орқали банкларга етказилди. Афсуски, бўлимимиз ходимлари солиқчилар билан биргаликда ўтказган қисқа муддатли текширишлар жараёнида «Паркент» деҳқон бозори негизда ташкил этилган «Савдо харид

корхонаси»га қарашли ошхона мутасаддилари назорат касса машиналарисиз ҳуфёна иш юритаётганликлари аниқланди. Улар 5 миллион сўмдан зиёд тушум пулини назорат касса машинасида нақд пул қўзғатди, Вазирилар Маҳкамасининг 1999 йил 26 декабрдаги 621-сонли қарори талабларини қўпол равишда бузишган экан. Оқибатда корхона раҳбарига нисбатан Жиноят кодексининг 189-моддаси, 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Туман марказий касалхонаси беморлар жонига оро кийувчи шифо масканларидан ҳисобланади. Аммо бу ерда ҳам қонунибузарлик амал қилмайдиганлар борлиги кишини ташвишга солади. Ходимларимиз солиқ идораси вакиллари билан ҳамкорликда ушбу муассасадаги ишларга қизиққанларидан маъсул шахсларга негадир ёқмади. Бу бежиз эмас экан. Касални яширсанг иситмаси ошқор қилади, деганларидек, шифохонанинг айрим ходим-

лари енг ичида «тадбиркорлик» қилаётганликлари текширув давомида юзага келди. Бу ерда дардида даво излаб келганлардан тушган пулларни «туя» қилиш одат тусига кирган экан. Касалхонанинг пулли хизмат кўрсатиш бўлими газначиси, оз эмас-кўп эмас, нақд 957 минг 708 сўмни камомад қилиш йўли билан ўзлаштириб юборган экан. Энди у қилмишига яраша жавоб берадиган бўлди. Ўзлаштирилган пул эса тўлиқ давлат бюджетига ундирилди.

Зеро, биз қайси соҳада ишламайлик, қонуларимизни ҳурмат қилишимиз шарт. Ана шундагина жиноятга қўл урмаймиз. Энг муҳими, йиллар мобайнида миқоллаб йиққан обрў-эътиборимизга путур етказмаймиз.

Хўжабой АСҚАРОВ, Паркент тумани прокуратураси ҳузурдаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими бошлиғи.

«ЧИНОБОД НЕФТЬ БАЗАСИ» ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2003 йил 19 майдаги 225-сонли қарорига асосан «Чинобод нефть базаси» тугатилиб, қайта юридик шахс мақоми билан унитар корхонага айлантирилиши муносабати билан барча даъволар қайтадан ташкил этилаётган «Чинобод нефть базаси» унитар корхонасига тақдим этилишини ва шартномаларни қайтадан расмийлаштиришингизни маълум қиламиз.

Мурожаат учун телефонлар: 133-89-71, 133-71-38.

Маъмурият.



Ушбу тадбирни уюштиришда қатнашган яна бир неча мутасадди кишилар билан суҳбатлашиб амин бўлдикки, бу ерда яхши ташаббус, эзгу муллоларни ўзидан мужассам этган давралар ташкил этишга киришилибди. Энг эътиборли жиҳати бунда ҳам кўнгиллар ча-

роғон бўлади, ҳам нурунийларимизнинг қувончига қувонч қўшилиши.

Максуд ЖОНИХОНОВ, Нуъмонжон МУХАММАДЖОНОВ (суратлар), «Халқ сўзи» мухбирлари. СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.

ТАШКИЛОТЛАР ВА ФИРМАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ ва ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИАА «ЎЗБЕКЕНДЕРКОНСАЛТИНГ» агентлиги

МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИНИНГ ТЕАТР ВА ЎҚУВ ЮРТЛАРИ УЧУН НУР ВА ОВОЗ ТЕХНИКАСИ ЖИХОЗЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Тендер таклифларини қабул қилишнинг охири мuddати — 2003 йил 20 июль соат 17.00 гача. Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун «Ўзбектендерконсалтинг» агентлигига мурожаат қилиш мумкин.

Манзилимиз: Тошкент ш., Буюк Ипак Йўли к., 75-уй, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги биноси. Телефонлар: 68-75-10, 68-25-51, факс: 68-75-96.

АВТОМОБИЛЬ — КРЕДИТГА!

«ЎЗДЭУАВТО» АЖ АВТОМОБИЛЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШДА МИЛЛИЙ БАНК ТАКЛИФ ЭТАДИ!

СИЗ АВТОМОБИЛЬ ХАРИД ҚИЛАСИЗ, БАНКДАГИ ҲИСОБВАРАҒИНГИЗДАГИ ПУЛЛАР ЭСА СИЗНИНГ ФОЙДАНИЗГА ИШЛАЙДИ!

КРЕДИТЛАШНИНГ ЯККА ТАРТИБДАГИ СХЕМАЛАРИ.

МАҚБУЛ ФОИЗ СТАВКАЛАРИ.

АРИЗАЛАРНИ ТЕЗКОРЛИК БИЛАН КЎРИБ ЧИҚИШ.

БУЮРТМАЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИНИНГ БАРЧА БЎЛИМЛАРИ ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Батафсилроқ маълумотни сиз 34-11-17, 137-62-83, 137-62-76 рақамли телефонлар орқали ёки бизнинг www.nbu.com интернет-сайтимиздан олишингиз мумкин.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги «Ўзбекистон» наشريёти жамоаси директор ўринбосари Улуғбек Жўраевга волидаи муҳтарамаси

Тошкент Автомобиль-йўллар институти жамоаси автомобилларнинг техник эксплуатацияси кафедрасининг нафақадаги доценти Алижон ИСМОИЛОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Пудрат савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш Фаргона вилоят бўлими жамоаси Бухоро вилоят «Тендер» бўлими бошлиғи Бахтиёр Носировга падали бузруквори МАНСУР отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия илҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Г. Прохоренко, Ш. Ризаев, А. Саидов (масъул котиб — «Народное слово»), М. Сафаров, О. Каппбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхонлар билан алоқа ва мизтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001 Буюртма Г — 518, 29520 нусхада босилди, ҳажми — 2 тираж, Об'ект усулида босилган. Котиб Бичими А-2

Газета ИВМ компьютеризация терлиги ва операторлар Жаънид ТОҒАЕВ ва Акбар БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Тахририятда ҳажми 5 қозғалдан зиёд материаллар қабул қилинади.

Т-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСЦ, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Оринов. Навбатчи муҳаррир — Х. Каримов. Навбатчи — М. Нормуродова. Мусоҳиҳ — М. Сулаймонова.

«Шарк» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 20.50 1 2 3 4 5 6